
Ёш ақлий арифметикачилар ўз билим ва кўникмаларини синовдан ўтказишди

Ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ташкиллаш, билим салоҳиятини, фикрлаш тезлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон туманидаги 18-мактабда “Ментал арифметика” олимпиадаси бўлиб ўтди.

Унда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 100 нафардан ортиқ ёш иқтидор соҳиблари беллашдилар.





Мусобақада ўз билимларини синаш учун нафақат туманнинг турли ҳудудларидан, балки Андижон вилояти ва Қўқон шаҳридан ҳам ёш билимдонлар ташриф буюришди.

Иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ақлий арифметикани янада ривожлантиришга бағишланган мусобақа якуни бўйича ғолиб ва совриндорлар 3-сектор штаби томонидан муносиб тақдирландилар.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-05-11 10:34:33